

## ҚУШ ТИЛИ

(Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони асосида)

### МУҚАДДИМА

*Мумтоз наво таралади. Парда очилади. Саҳнанинг ўнг ва чап томонларида ўрмон. Ўртада йўл. Олисда оппоқ чўққили тоғлар. Офтоб нурларидан атроф чарогон. Ўнг томондаги ўрмонда дарахтларнинг узун новдалари кўзга ташланади. Йўл охири нурдан мунаввар бўлади. Оппоқ салла, оппоқ чопон, оппоқ яктак, оппоқ этик кийган оппоқ соқол-мўйловли Ҳазрат Алишер Навоий вазмин қадам ташлаб келмоқда. Ўнг қўлида патқалам, чап қўлида оппоқ қозоғоз. Саҳна ўртасида тўхтайдди, ўйга чўмади, мумтоз наво тинади ва Ҳазрат “Лисон ут-тайр” достонидан парча ўқийди*

### **Алишер Навоий:**

Хотирамдан ўтар ҳаёт йўлларим,  
Энтикиб эслайман мактаб йилларим.  
Барча бола сабоқ олмоғлик учун,  
Ерга мук тушганча чекар эди ун.  
Истабон ташхиси хотир устод,  
Назм ўкутурким равон бўлсун савод.  
Насрдин баъзи ўқур ҳам дoston,  
Бу «Гулистон» янглиғу ул «Бўстон».  
Манга ул ҳолатда табъи булҳавас,  
«Мантиқ ут-тайр» айлаб эрди мултамас.  
Табъ ул сўзларга бўлғоч ошно,  
Қилмади майл ўзга сўзларга яно.  
Одат эттим ул ҳикоятлар била,  
Қуш мақолидин киноятлар била,  
Завқ кўп хушҳол этар эрди мени,  
Шарҳи онинг лол этар эрди мени.  
Чун бу аҳволимға бўлди имтидод,  
Бўлди ул дафтарға ғолиб эътиқод.  
Ўйлаким элдин узулди улфатим,  
Ул китоб эрди аниси хилватим.  
Уни ўқирдум боқмай ҳеч одамга,  
Охир ҳолим етди ота-онамга.  
Ёшуруб дафтарни маъдум эттилар,

Шуғлидин кўнглумни маҳрум эттилар.

*Бироз тин олади ва давом этади.*

Лек чун ёдимда эрди ул калом,  
Ёшурун такрор этар эрдим мудом.  
Ондин ўзга сўзга майлим оз эди,  
Қуш тили бирла кўнгул ҳамроз эди.  
Турк назмида чу мен тортиб алам,  
Айладим ул мамлакатни якқалам.  
Тўрт девон бирла назми панж ганж,  
Даст берди чекмайин андуху ранж.  
Назму насрим котиби тахминшунос,  
Ёзса, юз минг байт этар эрди қиёс.  
Мунчаким назм ичра қилдим иштиғол,  
Хотиримдин чиқмас эрди бу хаёл.  
Ким бу дафтарға бериб тавфиқ ҳақ,  
Таржума расми била ёзсам варақ.  
Лек сўз душвор эди, мен нотавон,  
Бормас эрди хомаға илким равон,  
Оқибат кўрдумки умр айлар шитоб,  
Ўлсаму қолса дейилмай бу китоб.  
Ул жаҳон сори бу армон элтқум,  
Бўйла ўтдин доғи ҳирмон элтқум.  
Неча бу ишга кўнгул машъуф эди,  
Гўйёким вақтиға мавқуф эди.  
Олтмишқа умр қўйғонда қадам,  
Қуш тилин шарҳ этгали йўндум қалам.  
Шайхнинг руҳидин истимдод этиб,  
Кўргач истимдод, ул имдод этиб.  
Эрди ярим кеча ашғолим чоғи,  
Табъ бу маъниға машғул ўлмоғи.  
Хома рафторин неча сурсам неча,  
Қирқ-эллик байт ҳар ярим кеча.  
Шайх руҳидин етиб кўп эҳтимом,  
Қилдим оз фурсатда арқомин тамом.  
Будур уммидимки, ҳар ким солса кўз,  
Ким ҳарорат солса кўнглиға бу сўз,  
Устоз Шайх Аттордин бўлсун миннатдор,  
Шайхга раҳмат айтсун такрору такр

*Мумтоз наво авж пардада янграйди. Алишер Навоий саҳнанинг ўнг томонига юради. Ҳазрат саҳнани тарк этгач, наво тинади ва қушлар чуғури бошланади.*

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи сахна

*Дастлабки сахна кўриниши. Чап томондан қушлар чуғури эшитилади. Қушлар бирин-кетин сахнага қўнади ва дарахт новдаларидан жой эгаллайди. Улар бироз жой талашишади. Олақарга Тўтидан юқориқоқга ўтади. Қарга Булбулдан баландроқга чиқади. Ўлаксахўр Товусни назар-писанд қилмай намойишкорона юриб, тўрга ўтиб кетади. Саҳнанинг чап томони қушларга тўлади. Бошқа қушлар ҳам юқориқоқдан жой эгаллаш учун жанжаллашишади.*

**Х у д х у д**(норози оҳангда):

Бу қандай бедодлик, бу қандай савдо,  
Калхат шохда, пастда Товус ва Хумо?  
Қарга тўрда, Булбул қолган пойгакда,  
Қушларга ҳам бироз инсоф керакда.  
Чун ҳунарвар узра чикди беҳунар,  
Тоздин қолди қуйироқ тожвар.  
Агар бўлса эди адолатли шох,  
Ҳеч битта қуш бундай қилмасди гуноҳ.

*Пойгакдаги қушлар “Тўғри, тўғри” дея Худҳуднинг гапини маъқуллашади.*

**Б и р қ у ш:**

Тўғри! Тўғри! Одил шох бўлса шу тоб,  
Чала сўйилгандай чекмасдик азоб.

**Х у д х у д:**

Дунё беҳабарлар, бордур шундай шох!  
Бизнинг ҳолимиздан у доим огоҳ.  
У шох адолатда якка-ягона,  
Ҳузурида тенгдур бой ва девона.  
У шох – Симурғ! Яшар олис Қоф тоғда,  
Неча замон ўтсун доим ардоғда.

*Қушлар чуғурлашади.*

**Б и р қ у ш:**

Худҳуд, айтгин, шуни сендан сўрармиз,  
Қандай қилсак Симурғ шохни кўрармиз?

**Х у д х у д:**

Олдиндан сизларга айтайин шуни,  
Тирик бўла туриб кўрмасак уни,  
Бундай тирикликдин ўлган яхшироқ!  
Ва лекин шох Симурғ макони йироқ.

*Қушлар чуғурлашиб, маслаҳатлашади.*

**Т ў т и:**

Худхуд, кўп нарсадин эурсен огоҳ,  
Хатто Сулаймонга бўлгансен ҳамроҳ.  
Воқиф этсанг бизни шоҳ асроридин,  
Баҳраманд этсанг бу сир изҳоридин.

**Х у д х у д:**

Мен шоҳ таърифида бошласам калом,  
Минг йил айтсам ҳамки бўлмайди тамом.  
Мен доғи мингдин бирин айлай баён,  
Сизга бирдин минггача айлай аён.  
Бизга шохедурки шаҳлар шохидур,  
Ким бори аҳволимиз огоҳидур.  
Айтсам, унинг мингдин кўп фазилати,  
Қанча айтган билан битмас сифати.  
Тан ичинда сизга ул жондин яқин,  
Ҳарне йўқ ондин яқин, ондин яқин.  
Лек сиз минг йилчилик ондин йироқ,  
Қайси минг йилликки, имкондин йироқ.

*Бироз тин олади.*

Лек мундоқ шаҳға васл осон эмас,  
Истамай кўп саъй ила имкон эмас.  
Умрлар урмоқ керак тинмай қанот,  
Неча каркас умрича бўлса ҳаёт.  
Тоғлардур тортқон гардунға тиғ,  
Тиғи барча қон тўқарга бедариғ.  
Ўт туташқон даштлар ҳар сори фош,  
Тортибон ёлинлари гардунға бош.  
Ҳам ҳавосинда булутлар чарх уруб,  
Бошқа ёмғур ўрнида тош ёғдуруб.  
Онда бир тун қўнғоли кошона йўқ,  
Жисми қут олмоққа суву дона йўқ.  
Бўйла йўл қатъ этмаги маълум эмас,  
Мақсадиға етмаги маълум эмас.  
Лек улким бу талабда берса жон,  
Яхшироқким юз ҳаёти жовидон.  
Навҳай боғи фано тузмак керак,  
Ул тараф парвоз кўргузмак керак.

*Қушлар яна чуғурлашади, маслаҳатлашади ва қарорни айтишни Тўтига топиришади.*

## **Т ў т и:**

Бизга нотаниш сен таърифлаган йўл,  
Шунинг учун Ҳудҳуд бизга пешво бўл.

Сен аромизда чу келдинг раҳшунос,  
Борчамиздин будур эмди илтимос.

Ким бориға муқтадолик қилғосен,

Бу сафарда пешволик қилғосен.

Киргобиз ул шаҳ йўлиға жон била,

Жон овучлаб дидаи гирён била.

Ким висоли комиға ё етқобиз,

Ё таманносида жон тарк этқобиз.

**Ҳ у д ҳ у д** (*Бироз ўйга толади ва Тўтига юзланади*):

Эй ширинсўз Тўти, қанотингни ёз,

Бирга олис йўлда этайлик парвоз.

Аввал ўз манзилгаҳингни ёд қил,

Кўнглунг ул уммид бирла шод қил.

Ким ватан зотингга Ҳиндистон эди,

Шаҳ ҳаримида саро бўстон эди.

Кел бу ғурбатдин раҳил оғоз қил,

Ул чаман сори яна парвоз қил.

**Ҳ у д ҳ у д** (*Товусга юзланади*):

Эй Товус, бўлмағил чиройингга маст,

Шаҳимиз кўрмакни айлагин ҳавас.

Ҳам ярошиб хилқатингга хўблиқ,

Ҳам мувофиқ зотингга маҳбублиқ.

Лек ёдингдин чиқиб ўз масканинг,

Шаҳ қошинда жилва айлар гулшанинг.

Шоҳ базми шавқидин тортиб наво,

Ул саро бўстон сари қилғил ҳаво.

**Ҳ у д ҳ у д** (*Булбулга юзланади*):

Эй Булбул, сен гулга туздунг кўп наво,

Энди шаҳ ишқини дилга этгин жо.

Шаҳ гулистонида гул ҳусниға маст,

Тортиб ул гул ишқидин жоми аласт.

То тушуб ул тоза гулшандин йироқ,

Кул қилиб жисмингни нийрони фироқ.

Қил ҳаво ул гулшани мийно сари,

Майл кўргуз ул гули ҳумро сари.

**Ҳ у д ҳ у д** (*Қумрига юзланади*):

Эй Қумри, сайраб бизни лол айлагил,

Савту лаҳнинг бирла беҳол айлагил.

Солғонингдин бўйнунгга тасбеҳи юср,

Тилга онинг васфида юзланди уср.

Буки ҳар бўстон аро саргаштасен,

Қон била туфроқға ҳам оғуштасен.

Ким қилурсен нола маҳзунлар киби,  
Ишқ савдосида мажнунлар киби.  
Муждаким, ул ғамда қолмай бенаво,  
Ҳам ўшул гулшан сари қилғил ҳаво.  
**Х у д ҳ у д** (*Лочинга юзланади*):  
Эй Лочин, сен учун ортиқчадур панд,  
Қушлар ичра сенинг мартабанг баланд.  
Шоҳ илки масканинг бўлғон мудом,  
Тўманг ул тортиб едурғон бардавом.  
Муддатеким чарх этиб зоҳир нифоқ,  
Шоҳ илкидин сени солди йироқ.  
Мубтало бўлдунг чу ҳижрон домиға,  
Табъинг ўрганди фироқ айёмиға.  
Бўл яна шоҳға гирифтору нажанд,  
Илкини ўпмак била бўл сарбаланд.

*Худҳуд тин олади. Қушлар бир-бирига гап уқтиришади.*

**Б и р қ у ш:**

Билдимки, яшабмен жуда ғафлатда,  
Шоҳ сари учамен ҳозир албатта.

**Б о ш қ а қ у ш:**

Шаҳимиз кўрмасдан яшамоқ уят,  
Тўғри гап, бизда ҳам бордур ҳамият.

**Я н а б и р қ у ш:**

Биз барчамиз, токи эканмиз ҳаёт,  
Эй қушлар, шоҳ сари ёзайлик қанот.

**Т ў т и:**

Эй Худҳуд, сен ўзунг бизга йўл кўрсат,  
Шоҳ сари учайлик ўтказмай фурсат.

**Х у д ҳ у д** (*Қушларга мурожат қилади*):

Эй қушлар, қатъийми сиздаги қарор?!

*Ҳар томондан “Ҳа, ҳа” деган жавоб келади.*

**Х у д ҳ у д:**

Қани учдик, Оллоҳ бизга бўлсин ё

*Қушлар сахнанинг ўнг томонига қараб учади.*

Парда ёпилади.

**Иккинчи сахна**

*Саҳнада чексиз-чегарасиз дашт. Олисда сарғиш осмон. Ҳар жойда тош кўринади. Қушлар чуғури эшитилади. Қулоққа аниқ-тиниқ товуш келади.*

**Б и р к у ш:**

Эй Ҳудхуд, эй пешво, тўхтайлик бирпас,  
Биздан мадор кетди, ростлайлик нафас.  
Айримларнинг ҳоли ночордан ночор,  
Айримларнинг сенга айтар узри бор.

*Қушлар галаси бирин-кетин тошларга устига, ерга қўнади. “Чарчадим, қанотимда мадор қолмади” каби нолишлар эшитилади. Атрофга жимлик чўкади.*

**Ҳ у д х у д:**

Қани, кимнинг менга айтар узри бор?  
Бирма-бир шошилмай этишсин изҳор.

**Т ў т и(Олдга чиқди):**

Ширинсўз айтишга уста бир қушмен,  
Қафасда бўлсам-да ҳамиша хушмен.  
Менга нозанинлар беради емиш,  
Қанд ва кишмиш билан айлар парвариш.  
Кўрамен кўзгуга қараган замон,  
Гўзал қуш кўзгуда бўлар намоён.  
Қанча яшасам ҳам кўрмадим азоб,  
Сафар мен ожизни қилади хароб.  
Сен айтган даргоҳда тенг бургут, чивин,  
Менга маъкул ўша тор қафас иним.  
Менинг аҳволимни ўйлагил ўзинг,  
Бу йўлни босишга етмайди кўзим.

**Ҳ у д х у д(Тўтига жавоб қайтарди):**

Эй мақтанчоқ Тўти, сўзунг тумтароқ,  
Ғафлат уйқусидин уйғонгин тезроқ.  
Сен мақтандинг оддий кўзгуга қараб,  
Олдда асл кўзгу турар ярқираб.  
У кўзгуга бир бор қарасанг агар,  
Ўшандан кейин гап айтсанг ярашар.  
Киши кийган билан ям-яшил чакмон,  
Сира бўлиб қолмас дониш, билимдон.  
Симурғ шоҳ васлига бўлсанг мушарраф,  
Хижолат чекасан шу гапинг эслаб.  
Ҳеч қачон бахт йўли эмасдур осон,  
Ҳозир йўлдан қайтиб, бўлма пушаймон.

*Тўти айтган узридан мулзам бўлиб, ортга чекин*

### **Т о в у с у з р и:**

Тенгри бермиш хусну зеболиғ манга,  
Ҳаддин ортиғ зебу раънолиғ манга.  
Қанотларим ёзсам ҳама қарар лол,  
Юришим кўрганлар бўлишар беҳол.  
Ҳар бир кишининг ўз вазифаси бор,  
Бошқа юмуш унга ўхшамас зинҳор.  
Ҳусним бирла элни қаратаман мен,  
Ҳайрат кўзларини яйратаман мен.  
Шундан бошқа ишга йўқ менда тоқат,  
Узоқ сафар мени ўлдирар фақат.  
Менга рухсат бергин, ўз ўрним билай,  
Қаср-гулшанга қайтиб ўз ишим қилай.  
**Х у д х у д**(*Товусга жавоб қайтарди*):  
Эй Товус, хуснунгни мақтадинг ўзинг,  
Устингдан кулмоқда эшитган сўзинг.  
Одам ўлғон зеби зоҳирдин демас,  
Кимки ондин фахр этар одам эмас.  
Ноз ила хусн ўлди шоҳидлар иши,  
Дарду меҳнат билан хуштур эр киши.  
Ортиқ бино қўйса кимки суратга,  
Охири эл аро қолар уятга.  
Шарафли иш – гўзал сурат аҳлига,  
Маъно томон борса етар бахтига.  
Суратга бўлгандан кўра маҳлиё,  
Эзгулик йўлида жон этгин фидо.

*Товус айтган узридан мулзам бўлиб, ортга чекинди.*

### **Б у л б у л у з р и:**

Мен боғда очилган гулга шайдомен,  
Ишқи бирла ақлу хушдин жудомен.  
Ишқиға бўлганмен тамом девона,  
Менга бошқа дардлар буткул бегона.  
Мен гулимдин кетган сари йироққа,  
Билдим, чидолмасмен ортиқ фироққа.  
Ҳам анинг ёди била боғ ичрамен,  
Ҳажрида юз дард ила доғ ичрамен.  
Шоҳга пок юз билан бормоқлик керак,  
Гул ишқида ёнар мендаги юрак.  
Эй Ҳудҳуд, раҳм этгин ошиқ жонига,  
Мен қайтиб кетайин гулим ёнига.  
**Х у д х у д**(*Булбулга жавоб қайтарди*):  
Ишқ эмастур бу – ҳавасдур сарбасар,  
Гар ҳавасдур, мунча, бас, эй беҳабар.

Сен киби оламда нодон бўлмағай,  
Нафска маъмури фармон бўлмағай.  
Ким ясаб сен ўзни ошиқ зўр ила,  
Кўргузурсен ишқ аро минг шўр ила.  
Бир чечаккаким – вафоси йўқ онинг,  
Умр боғинда бақоси йўқ онинг.  
Йилда беш кунким чаманда очилур,  
Ўн кун ўтмай туфроғ узра сочилур.  
Кимса бу пайкарга ошиқ бўлмағай,  
Ким бу ошиқликка лойиқ бўлмағай.  
Сен шундай шарифни маъшук деб билгин,  
У қолсин, бўлса ҳам ер остин-устин.

*Булбул айтган узридан мулзам бўлиб, ортга чекинди.*

### **Қумри узри:**

Мен бир умр чамандин четга чиқмадим,  
Сайр этиб ватандин четга чиқмадим.  
Заъфу ожизлик шиор ўлғон манга,  
Шоху барг ичра қарор ўлғон манга.  
Не совуғ кўрган жаҳонда, не исиг,  
Не ирик бошимға келган, не қотиғ.  
Боғдин боғ ичра кўргузғон сафар,  
Шохлардин барг аро қилғон мафар.  
Бўйла йўл ранжи чекаолғайму мен,  
Бу ҳавас тухмин экаолғайму мен.  
Кўйдум эрса бу машаққат жонима,  
Куч била кирмакдурур ўз қонима.  
**Х у д х у д**(*Қумрига жавоб қайтарди*):  
Эй Қумри, сен ҳозир юзтубан кетдинг,  
Эрга ярашмаган сўзларни айтдинг.  
Минг йил ўлса боғ аро манзил санга,  
Шох ила барг ичра не ҳосил санга.  
Бўйла мурдор ўлгуча ғафлат аро,  
Ўзни ўртаб шуълаи фирқат аро,  
Эр эсанг, мақсуди асли истабон,  
Йўлға кирсанг ёр васли истабон.  
Ўлсанг ул йўл ичра ранжу дард ила,  
Жисми зору жони ғампарвард ила.  
Яхшироқ юз қатла ул офотдин,  
Ор қилгудек даний овқотдин.

*Қумри айтган узридан мулзам бўлиб, ортга чекинди.*

**Қарчиғай узри** (*У сўзлашдан олдин чангалини ўйнатди, тумишугини бир неча марта очиб-ёнди*):

Ҳаммага маълумдир кучу қудратим,  
Узр айтган қушлар менинг овқатим.  
Қайси қуш қасдига тушсам мабодо,  
У қуш чангалимдан қутулмас асло.  
Мен шаҳлар қўлида оламан ором,  
Ўз қўллари билан едирар таом.  
Шаҳлар оллинда топиб бу эътибор,  
Шавкатим Симурғча билфеъл бор.  
Шаҳ қўли тахтимдур бошимда тож,  
Йўқ манга Симурғ сори эҳтиёж.  
Бор менинг ўз шаҳим, ўз салтанатим,  
Симурғдан кам эмас менинг шавкатим.  
**Х у д х у д** (*Қарчиғайга жавоб қайтарди*):  
Сен бунча чирандинг, бунча лоф урдинг,  
Билдикки, алмойи хаёллар сурдинг.  
Ўзинг бир қушчига эрурсан қарам,  
Лукма ташлашини кутасан ҳар дам.  
Олдинга бир лукма ташлагунча то  
Чиғиллаб қилурсен қанча илтижо.  
Бирор-бир нарсани қилсанг агар ов,  
Эганг чангалингдан олади дарров.  
Сенда бўлса эди уятдин озроқ,  
Дердинг: бу кунимдан ўлган яхшироқ.  
Сен пуч даъволардан кечгин буткул воз,  
Биз билан шаҳимиз сари эт парвоз.

*Қарчиғай айтган узридан мулзам бўлиб, ортга чекинди.*

**Бургут узри:**

Эй Ҳудҳуд, сўзимга солмасдан қулоқ,  
Аввал диққат билан келбатимга боқ.  
Манга ҳолат ўзга қушлардек эмас,  
Қумрию булбулдек эл васфим демас.  
Савлатим муфритдуру қаҳрим ямон,  
Тоғ мулки ичра менмен қаҳрамон.  
Неча каклик тўъмадур ҳар кун манга,  
Бўлмаса бу, уйқу келмас тун манга.  
Тўъма истаб чун ҳаво туттум бийик,  
Эмин эрмас не қулону не кийик,  
Улки бўлғай бўғзи бу янглиғ улуғ,  
Йўл нетиб қатъ айлагой бўлмай озуқ.  
Мени бу йўлда қанот кўп солди тут,  
Қорин оч ўлғоч – йикилиб қолди тут.

**Х у д х у д**(Бургутга жавоб қайтарди):

Эй Бургут, биламиз парвозинг юксак,  
Кушлар ичра йўқтур сендек довюрак.  
Ҳам йигитлик васфи лойиқ зотинга,  
Ҳам мусаллам паҳлавонлиғ отинга.  
Ҳайф бу мунқору чанголинг сенинг,  
Фарру шавкатлиғ пару болинг сенинг.  
Сенки мақсуд истой, эй баднафси дун,  
Азм этордин бўйла бўлғойсен забун.  
Озим ўлмаи йўлга солғойсен қанот,  
Чангу минқору қанотингдин уёт.  
Мунча бирла ўзни тавсиф эткасен,  
Зўру шавкат бирла таъриф эткасен.  
Паҳлавону қаҳрамон ул бўлди, ул –  
Ким кечиб жонидин эткой азми йўл.

*Бургут айтган узридан мулзам бўлиб, ортга чекинди.*

**Х у м о й у з р и:**

Эй Худхуд, тушуниб етмадим зинҳор,  
Менга бу сафарнинг не кераги бор?  
Ондадур иқболдин поям менинг,  
Ким берур тахти шараф соям менинг.  
Зотима онча шараф берса илоҳ,  
Ким менинг соям гадони қилса шоҳ.  
Мен яна шоҳ истамак, яъники не?  
Ўзни ранжур айламак, яъники не?  
Қилмоғим хушроқ ҳавое жилвагоҳ,  
Бермагим соямда шаҳларға паноҳ.

**Х у д х у д**(Хумойга жавоб қайтарди):

Хумой, сенинг бу сўзунг афсонае,  
Ким они қилғой баён девонае.  
Улки зотингда балоҳат чоғламиш,  
Санга бу янглиғ сақифа боғламиш.  
Ким етар соянгдин элга шоҳлиғ,  
Санга бовар қилдуруб гумроҳлиғ.  
Шоҳлар тарихиким мастур эрур,  
Қайсининг васфида бу мазкур эрур?!  
Ким они шоҳ айламиш соянг сенинг,  
Ким эрур бу муддао воянг сенинг.  
Бу ғалат афсона шод айлаб сени,  
Бўйла фосид эътиқод айлаб сени.  
Филмасал бўлса бу даъво рост ҳам,  
Келса сендин бу сифат бехост ҳам.  
Берса элга шоҳлиғ ҳаййи-вадуд,

Сен де бориким санга ондин не суд?  
Оқил эрсанг, кўп дема мундоқ газоф,  
Ким саросар бу сўзунг бордур хилоф.

*Хумой айтган узридан мулзам бўлиб, ортга чекинди.  
Ўдхуд қушларга қаради, улар бошларини қуйи эгишиди. Бироздан кейин  
сен гапир дегандек Тўтига қарайди.*

**Т ў т и:**

Ўдхуд, қушлар ичра улуғ мартабанг,  
Сенинг тажрибанг кўп, кўп билиминг ҳам.  
Сен бир уммон бўлсанг, биз бир томчимиз,  
Агар ўрмон бўлсанг битта хасмиз биз.  
Шунинг учун бизни айлагин огоҳ,  
Қандай сифатларга эга бизнинг шоҳ?!

**Ў д х у д:**

У бир олийжаноб шаҳаншоҳ эрур,  
Ўзаллиги сочар жилваланиб нур.  
Унинг соясидан қушлар яралган,  
Кейин қушлар олам узра таралган.  
Билингиз, биз қушлар Симурғга соя,  
Шу боис у бизга шоҳ ва ҳимоя.  
Шоҳимиз таратур шундай ёрқин нур,  
У томон қараган кўзлар қамашур.  
Кўзлар кўра олмас турсин ёнма-ён,  
Кўнгул кўзгусида Симурғ намоён.

*Қушлар чугурлашади, яна маслаҳатлашади.*

**Т ў т и:**

Кўп йўл босдик, қанча хавф-хатар кўрдик,  
Шукур, биз улардан соғ-омон ўтдик.  
Олдинда йўл олис, кутар хавф-хатар,  
Айтгин, нима қилсак улардан асрар?  
Бу йўл сифатидин бергин маълумот,  
Ўгитингга мослаб ёзайлик қанот.

**Ў д х у д:**

Бу йўлнинг энг олий сифати ишқдир,  
Ошиқларга эса ўгит ошиқдир.  
Симурғ ишқи билан ёнса жонимиз,  
Манзилга омон еткай карвонимиз.  
Ошиқ жонон учун кечгайдир жондан,  
Симурғни ёд этиб учинг шу ондан.

**Т ў т и:**

Узоқ йўлда доно бўлмаса сарбон,

Қайдадир йўлидан адашгай карвон.  
Олдимизда кутар хавф-хатарли йўл,  
Ҳудхуд, ўзинг бизнинг сардоримиз бўл!

**Қ у ш л а р**(*Жўр овозда*):

Ҳудхуд, ўзинг бизнинг сардоримиз бўл!  
Ҳудхуд, ўзинг бизнинг сардоримиз бўл!

**Ҳ у д ҳ у д:**

Ишончингиз учун раҳмат ҳаммангга,  
Ололмасман бундай ишни зиммамга.

**Т ў т и:**

Ҳар жамоатқаки йўқтур пешво,  
Йўлга эрмастур қадам қўймоқ раво.  
Сардорликка ўзинг лойиқсан Ҳудхуд,  
Сардор бўлсанг, биздан йўқолмас умид.

*Ҳудхуд мулоҳаза қилади.*

**Ҳ у д ҳ у д:**

Розиман, мен хайлга йўл бошқарай,  
Билганимча қавмни олиб борай.

**Қ у ш л а р:**

Ҳудхуд, энди бизга сардорсан ўзинг,  
Биз учун қонундир ҳар битта сўзинг.

**Ҳ у д ҳ у д:**

Унда қанотингиз ёзинг жамоат,  
Шаҳ сари учайлик, ҳар дам ғанимат.

*Қушлар саҳнанинг ўнг томонига қараб учишади.*

Парда ёпилади.

**ИККИНЧИ ПАРДА**

**Учинчи саҳна**

*Чексиз-чегарасиз саҳро. Олисда тунд осмон. Шамол увиллайди. Гўё гира-шира шом маҳали. Қушлар саҳнанинг чап томонидан келиб, қум устига қўнишади.*

**Б и р қ у ш:**

Войбўй! Бу саҳронинг борми охири,  
Ҳатто йўқтур бирон жонзот шивири.  
Энди на уйга, на шоҳга етамиз,  
Балки шу саҳрода ўлиб кетамиз.  
Ҳудхуд, сендан умид, ўзинг топ тадбир,  
Ахир, сенга аён жуда кўплаб сир.

**Ҳ у д ҳ у д:**

Ким эрур холи улус ғавғосидин,

Шоҳ иззу жоҳу истиғносидин.  
Бундан чиқадиган хулоса, демак  
Шаҳимиз иззати, рутбаси юксак.

**Б и р қ у ш:**

Олдда бизни кутар хавф-хатар, бало,  
Гўё оғир дардга бўлдик мубтало.

**Б о ш қ а қ у ш:**

Ҳудхуд, бу сафарда кўрдик кўп мушкил,  
Биз дардимиз айтайлик, ўзинг ҳал қил.  
Мушкилин ҳар ким санга қилса хитоб,  
Ҳаллида сен ҳам анга айтиб жавоб.  
Қолмоғондин сўнг кўнгулларда хатар,  
Ҳеч хотирда хавотирдин асар,  
Жамъ хотир бирла қилмоқ йўлга азм,  
Бу улук мақсадқа тутмоқ ўзни жазм.  
Йўқса йўл бир кун-икки кунлук эмас,  
Бал киши поёнига етгук демас.  
Бўйла йўл қатъида жамъ ўлмай кўнгул,  
Шубҳа бирла бормоғи мушкил дегул.

**Ҳ у д ҳ у д:**

Майли, бўлса кимнинг кўнглида савол,  
Бирин-кетин келиб айтсин бемалол.

**Б и р қ у ш(Олдга чиқади):**

Тенгдурур чун боримизга болу пар,  
Сен нединсен – бохабар, биз – бехабар?  
Бу тафовутни саросар шарҳ қил,  
Ким нединдур – бизга равшан айлағил.

**Ҳ у д ҳ у д:**

Фарқим йўқ ва лекин сийланган қушман,  
Менга Сулаймоннинг назари тушган.  
Шукур, Сулаймонга сафардош бўлдим,  
У билан кезиб кўп сирларни билдим.  
Шунинг учун мен кўп нарсадан огоҳ,  
Расул сийлаганни сийлайди Оллоҳ

*Қуш Ҳудҳудга тушундим деганча ортга чекинди.*

**Б и р қ у ш:**

Олдда юксалгандир машаққат тоғи,  
Шамолда сочилар ажал тупроғи.  
Бундай йўлга шер ҳам этолмас журъат,  
Мендай ожиз қушга бу йўл не ҳожат?

**Ҳ у д ҳ у д:**

Эй қуш, шу гапимни унутма ҳечам,  
Кимда ҳиммат улуғ онда йўқтур ғам.

Чун ки бу иш келди бешак ишқ иши,  
Кимки ошиқ эрмас, ул эрмас киши.  
Ҳар кишига ишқу ҳиммат бўлса ёр,  
Буняу тан заъфиға не эътибор.  
Ёрдин ўлмак агар уммид эрур,  
Бил ҳаётедурки ул жовид эрур.

*Қуш Ҳудҳудга тушундим деганча ортга чекинди.*

**Б и р қ у ш:**

Ўтган умримда қилибмен кўп гуноҳ,  
Бу уятден асру ҳолимдур табоҳ.  
Шу ўй мени эзар ботиб гуноҳга,  
Қайси юзим билан борурмен шоҳга?  
Пок васлиға керактур поклик,  
Йўқки лавси журм аро бебоклик.  
Дилни эзса гуноҳ ва ундан ҳасрат,  
Пок шоҳ ҳузурига бормоқлик уят.

**Ҳ у д ҳ у д:**

Шукур қил, гунаҳинг бўйнингга олдинг,  
Шукур қил, кеч бўлсин бундан уялдинг.  
Бу гунаҳ бирла гар ўлмак истасанг,  
Халқ аҳволиға кулмак истасанг.  
Билки бас нодону гофил бўлғасен,  
Аҳли ақл оллида жоҳил бўлғасен.  
Яратган дилингга солмиш бу нафас,  
Бу гунаҳдин оримоқ эттинг ҳавас.  
Тавбадур уни оритмоққа илож,  
Зулмати исён аро будур сирож.  
Улуғ зиёратга чоғлагин ўзинг,  
Эл била бўл, қўйғил умидсиз сўзинг.  
Баҳри раҳмат мавжға кирган замон,  
Пок ўлурсен мен киби юз минг равон.

*Қуш Ҳудҳудга тушундим деганча ортга чекинди.*

**Б и р қ у ш:**

Бу йўлда юришга бормикин ҳаққим,  
Чунки яхши эмас сен киби хулқим.  
Ҳар сифатда келди табъим норасо,  
Гоҳ фосиқмен, замоне порсо.  
Бир қарор йўқтурур ҳолимда ҳечам,  
Бу жиҳатдандур ичимда алам.  
Шу қаро феъл билан бормай қаёққа,  
Ўзгармасмен, қаро айланмас оққа.

Бўйла йўлғаким керак якранглиғ,  
Ўзни топмасмен саҳиҳ оҳанглиғ.

**Х у д х у д:**

Бундай бемаъни феъл, бўлмасин иқрор,  
Филҳақиқат барчанинг зотида бор.  
Шунинг учун кимда ғолиб бўлса нафс,  
Ғафлат уйқусида уни босар наҳс.  
Ва лекин кимда-ким чекса риёзат,  
Уни илҳақ этиб қўймас фазилат.  
Сен доғи бу ишга ўзни чоғласанг,  
Бир қотикликқа белингни боғласанг.  
Ўйладур умидким, бир лутфи хос –  
Ғар таҳаттукдин сени қилғой халос.  
Бу тааблардин тарабнок ўлғосен,  
Ҳақ йўлинда раҳрави пок ўлғосен.

*Қуш Худҳудга тушундим деганча ортга чекинди.*

**Б и р қ у ш:**

Худҳуд, нафсим манга ҳам тинчлик бермас,  
Қанча енгой дейман, сира енгилмас.  
Бўйла йўлда душман ўлса ул манга,  
Тай нечук бўлғай бу қаттиқ йўл манга.

**Х у д х у д:**

Сен нафсга берилиб умринг совурдинг,  
Бир эшакдек нафсга жиловинг бердинг.  
У қайга бошласа ортидан юрдинг,  
Ўзингча гердайиб даврингни сурдинг.  
Умрунг ўтти ғафлату исён била,  
Етти ўлмак юз туман армон била.  
Тенгри амрин умр ўтуб ёд этмадинг,  
Шева жуз излолу ифсод этмадинг.  
То тирик эрдинг – бу эрди ғафлатинг,  
Бўйла ўлсанг, кўр, не бўлғай ҳолатинг.  
Биз била юр, қолган умринг ғанимат,  
Зора сенга етса Ҳақдин марҳамат.

*Қуш Худҳудга тушундим деганча ортга чекинди.*

**Б и р қ у ш:**

Худҳуд, сенга ҳолим очик айтайин,  
Мени ҳам тинч қўймас шайтони лаин.  
Бошима ҳар лаҳза солур бир хаёл,  
Ким эмас ондин қутулмоқ эҳтимол.  
Чунки йўқ ондин қутулмоғлиғ манга,

Чорадур маъмури бўлмоғлиғ манга.

Уйла музтармен онинг васвосидин,

Қим забундур ақл онинг ихсосидин.

**Х у д х у д:**

Сен ҳам нафс йўлида бўлибсен қурбон,

Сенинг бу ҳолингдан шайтон ҳам ҳайрон.

Чунки нафс дегани шайтондин ёмон,

Очкўзни измида ўйнатар осон.

Ҳар не ул қилмоқ керак нафсинг қилур,

Ҳар неким шайтон билур, ул ҳам билур.

Нафсинг андоқ ҳаққу мулк этмиш ани,

Ким эрур дарж анда юз шайтон фани.

Сенки ёр ўлдунг бу янглиғ нафс ила,

Не учун шайтондин эткайсен гила.

Ҳам санга юз қатла шайтондин уёт,

Ҳам анга сен шуми нодондин уёт.

*Қуш Худҳудга тушундим деганча ортга чекинди.*

**Б и р қ у ш:**

Менинг ҳам ҳушимни мол-дунё олган,

Кўнглимга мол-дунё тўплашни солган.

Пул шикирлашидан оламан ҳузур,

Кўзимни ўйнатар олтин, кумуш, дур.

Мол-дунёмни қандай ташлаб кетамен,

Яхшиси, ҳозироқ уйга қайтамен.

**Х у д х у д:**

Эй сен, пул жинниси бўлиб қолибсен,

Пул деб ўзингни ҳар куйга солибсен.

Бу не сўз бўлғайки зикр эткай киши,

Ким эмас бу одамийларнинг иши.

Билгасенким яхши эрмас бу сифат,

У кишини хароб эткай оқибат.

Сийм севгонким, анга побаст ўлур,

Шавқидин онинг ажойиб маст ўлур.

Токи бўлғай даҳр боғида тирик,

Рўзғор андоқки бу янглиғ ирик.

Сийм учун юз ҳирсу шайдолиғ била,

Ўлмагай охир бу расволиғ била.

Сийм йиғмоққа натижа бўлди бу,

Сен онинг савдосидин илкингни ю(в).

Мутлақ онинг сори майл этма яно,

Ким талотумда эрур баҳри фано.

*Қуш Худҳудга тушундим деганча ортга чекинди.*

**Б и р қ у ш:**

Худхуд, масканимдур жаннатдай диёр,  
Унда бу дунёда тенгсиз қаср бор.  
Қаср аро бир хисрави оромгир,  
Сурати хуш, сийрати хотирпазир.  
Бўйла гулшан ичра манзилдур манга,  
Бўйла шахнинг васли ҳосилдур манга.  
Менсиз эрмас бирдам онинг мажлиси,  
Туну кун менмен рафиқу муниси.  
Бу тарабларни кўюб, айлаб ҳаво,  
Истамак Симурғ бўлғайму раво?

**Х у д х у д:**

Сенинг гапларинг ҳам пуч бир иддао,  
Бу ўзни алдашдир, йўқ бошқа маъно.  
Гарчи зебо гулшану дилкашдурур,  
Кўзга сув бирла ҳавоси хушдурур.  
Қасрини ҳам чарх чун даврон қилур,  
Хаста ошиқ кўнглидек вайрон қилур.  
Шоҳиға доғи жафои рўзғор –  
Тахта узра тахтдин берур қарор.  
Сендин онда ким десун худ, эй заъиф,  
Бир тикан баргига эрмассен ҳариф.  
Эр эсанг Қофи бақоға азм қил,  
Авжида бир – шоҳ васли истагил.  
Ким бу гулшанға камол ондин дурур,  
Ҳар хазону ҳам завол ондин дурур.  
Шоҳга зебу фар жамолидин онинг,  
Азлу фавти ҳам жалолидин онинг.  
Қасрни обод айлаган ҳам ҳикмати,  
Сўнгра вайрон доғи қилғон кудрати.  
Санга ҳам мутлак ҳам андоқ келди ҳол,  
Йўл димоғингға топиб фосид хаёл.  
Чун ажал нишин ебон сесконгосен,  
Ғафлатинг уйқусидин уйғонғосен.  
Ҳар неча қилсанг фиғону зорлиғ,  
Қилғуси йўқ бир сари мўйи осиг.  
Онглағунгким кимдин ўлмишсен йироқ,  
Қолғуси жонинг аро доғи фироқ

*Қуш Худхудга тушундим деганча ортга чекинди*

**Б и р қ у ш:**

Худхуд, шукур, мени сийламиш тақдир,  
Айламиш бир ишқ кўнглимни асир.

Кўрмасам маъшук рухсорин даме,  
Тийрадур ул дам кўзумга оламе.  
Бир нафас онсиз қарорим йўқ турур,  
Дарду ғамда ихтиёрим йўқ турур.  
Орази наззораси комим менинг,  
Васлидин кўнглумда оромим менинг.  
Ондоқ онинг бирладур улфат манга,  
Ким эрур онсиз гумон шиддат манга.  
Кўнглум онинг фурқатининг хастаси,  
Жоним онинг васлининг вобастаси.  
Фирқатидин жонима бедод эрур,  
Туну кун кўнглум иши фарёд эрур.  
Ойрила олмасмен ондин бир замон,  
Ондин айрилмоқ ҳамон, ўлмак ҳамон.  
Ул санам ишқин нечук тарк эткомен,  
Ойрилиб ондин қаёне кеткомен?

**Х у д ҳ у д:**

Эй телба ошиқ, ишинг сўзу гудоз,  
Солибон кўнглингга ўт ишқи мажоз.  
Тушкониинг ишқи ҳақиқийдин йироқ,  
Ўртаган кўнглунг аро доғи фиरोқ.  
Дурри яктодин қилиб ғофил кўнгул,  
Жола сори айлаган мойил кўнгул.  
Меҳри ҳовар нуридин қилғон удул,  
Шамъу машъал партавин, этган қабул.  
Сурати зоҳир била топқон фириб,  
Топмағон маъни жамолидин насиб.  
Ҳусни зоҳирнинг вафоси йўқтурур,  
Ҳам саботу ҳам бақоси йўқтурур.  
Ошиқу шайдо бўлурға арзимас,  
Ишқидин расво бўлурға арзимас.  
Они севким ҳусни бўлғай баркамол,  
Бўлмағай мумкин қуёшиға завол.  
Юз туман минг сендек ўлса ошиқи,  
Бўлмағай ошиқлигининг лойиқи.  
Берсалар ишқ аҳли юз жон ҳар бири,  
Ҳусни юз минг мунчаға қилғай гари.  
Эй чиройга ошиқ, кўрдум эҳтиёж,  
Йўқ анга, билким – санга қилдим илож.  
Сен доғи ошиқсену маҳбубунг ул,  
Зору шайдо айлаган матлубунг ул.  
Бўйла ошиқликдин, эй олуда зот,  
Пок ишқ аҳли қошиндадур уёт!

*Қуш Худҳудга тушундим деганча ортга чекинди.*

### **Б и р к у ш:**

Худхуд, билдим сен Ҳақ йўлда беназир,  
Мен онинг амригамен фармонпазир.  
Мунтазирмен амр ила фармониға,  
Йўқ муқайяд қаҳр ила эҳсониға.  
Ҳарне амр этса – топар мендин хусул,  
Ул билур гар рад қилур, ёхуд қабул.  
Не буюрса ул ишимдур ёзу қиш,  
Йўқ манга радду қабули бирла иш.  
Амриға иқдом одатдур манга,  
Чун адо қилдим саодатдур манга.

### **Х у д х у д:**

Раҳмат сенга, хуб сўздур бу сўзунг,  
Хуброқким демагай они ўзунг.  
Кимсага бу йўлда хайи лоязол,  
Бу тарик ичра насиб этмиш камол.  
Ким онинг фармониға бўлғай мутеъ,  
Келди бу йўлда онинг жоҳи рафеъ.  
Амридин чеккон бўюн мардуд эрур,  
Боргоҳи иззидин матруд эрур.  
На ҳумоюнфол мақбул бандадур,  
Ким онинг фармониға афкандадур.  
Амриға тоат эрур коми онинг,  
Йўқ бу ишсиз бирдам ороми онинг.  
Лек ҳар неча итоат айласа,  
Амру ҳукми бирла тоат айласа,  
Бу иши бирла мубоҳот айламас,  
Кибрни жониға офот айламас.  
Тоат этса озу кўп ё боту кеч,  
Борию йўқи эрур олинда ҳеч.  
Бўлмаса мақбул кирдори онинг,  
Балки тенг бўлса йўқу бори онинг.  
Қилмаса ўзни тафохурдин азиз,  
Тоатиға кўрса қиймат бир пашиз,  
Улдурур гўйи саодат элтгон,  
Нафъи тақвоу ибодат элтгон.  
Бар еган ўз тоату тақвосидин,  
Баҳравар бўлгон бу иш маъносидин.  
Онглаким бу йўлда қилмайдур илоҳ,  
Ўзни кўрмакликдин ортуғроқ гуноҳ.  
Ўзни кўрмак тоатин кўрмакдурур,  
Қилғонин кўнглига келтурмакдуру

*Қуш Худхудга тушундим деганча ортга чекинди.*

**Б и р к у ш:**

Менга пухта англат, эй сардори сайр,  
Кимсада инсоф бўлғай, борму хайр?  
Ҳақ манга инсоф қисмат айламиш,  
Қути жоним бўйла неъмат айламиш.  
Бу сифатқа улки бўлса нисбати,  
Борму ул ҳазратда онинг қурбати?

**Ҳ у д ҳ у д:**

Инсоф – инсон учун энг ноёб маҳзан,  
Борча эл оллинда мустаҳсан бу фан.  
Одамиға яхши кўп авсоф эрур,  
Лек оларнинг ашрафи инсоф эрур.  
Кимгаким инсоф йўқ – инсон эмас,  
Мунсиз атворида жуз нуқсон эмас.  
Бу сифат келди эранларнинг иши,  
Бўйла давлатқа етишмас ҳар киши,  
Одам эрмас улки ноинсоф эрур,  
Одам инсоф истамас – аммо берур.  
Истамаслар элдин инсоф аҳли ҳақ,  
Ким оларға келди мунсифлиғ сабақ.  
Бермай инсоф, улки инсоф истади,  
Ўзни ноинсофи мутлақ айлади.  
Мундин аҳсан кимсага йўқтур сифат,  
Онгламас они жуз аҳли маърифат.

*Қуш Ҳудҳудга тушундим деганча ортга чекинди*

.

**Б и р к у ш:**

Манга ҳам аён эт, зоти муҳтарам,  
Бу маҳал йўлға қачон қўйсам қадам.  
Ўзни не машғуллуқтин шод этай?  
Етса ғам, ўзни не навъ озод этай?  
Не қилайким кўнглума еткай сурур,  
Ким манга ондин даме еткай ҳузур?

**Ҳ у д ҳ у д:**

Қулоқ солгин, ўзни гар шод истасанг,  
Ҳар сифат қайғудин озод истасанг.  
Ўзни онинг ёдиға муътод қил,  
Шодлиғ истарсен – они ёд қил.  
Шодлиғким эрмас онинг ёдидин,  
Бўлмагон хушроқ хирад иршодидин.  
Ондин ойру айшдин ғам яхшироқ,  
Сурдин юз қатла мотам яхшироқ.  
Ғамки ондин бўлса, билгил шодлиғ,

Ҳар балийат қайдидин озодлиғ.

*Қуш Ҳудҳудга тушундим деганча ортга чекинди.*

**Б и р қ у ш:**

Биларсен сафарда чекдик риёзат,  
Мени ўйлантирди бир нарса фақат.  
Шоҳимизни кўриш айласа насиб,  
Тухфаи вожибдурур беҳад ажиб.  
Шаҳни кўрмак тухфаи мақбул ила,  
Бизни ондин огоҳ эт маъкул ила.

**Ҳ у д ҳ у д:**

Сенинг саволинг жудаям хуб эрур,  
Тухфаким шоҳ.оллида марғуб эрур.  
Бир нима топқилки ноёб ўлғай ул,  
Йўқки лаъли дурри сероб ўлғай ул.  
Бордур ул махзанда нақди беҳисоб,  
Дурру гавҳарға худ онда не ҳисоб.  
Ул малоик тоату тақвосидур,  
Покравларнинг шариф анфосидур.  
Зухд аҳлидин ибодат онда кўп,  
Жавҳари тақвою тоат онда кўп.  
Анбиёдин ҳам риёзат беадад,  
Авлиёдин ҳам ибодат беадад.  
Ҳарнеким ондин шариф ўлмас гумон,  
Ул ҳамондур ондау туфроқ ҳамон.  
Лек анда тухфа сўзу дард эрур,  
Бир асарлиғ оҳи ғампарвард эрур.  
Боргоҳи иззу истиғнодур ул,  
Юз туман минг аршдин аълодур ул.  
Онда кўптур иззу истиғноу ноз,  
Улки йўқтур ул эрур ажзу ниёз.  
Сен ўзунг бирла ниёзу дард элт,  
Жисми зору жони ғампарвард элт.  
Ким бу тухфа йўқтур ул даргоҳда,  
Не тилар ажзу забунлуғ шоҳда.  
Онда еткур сўз ила дарду фано,  
Истар ўлсанг ўзни қилмоқ ошно.

*Қуш Ҳудҳудга тушундим деганча ортга чекинди. Ҳар жойдан “Ҳақ сўз,  
Ҳақ сўз” деган товушлар келди. Ҳудҳуд қушларга қарада, савол бергувчи  
кўринмади.*

**Ҳ у д ҳ у д:**

Дўстлар, дам олдик ҳам қурдик суҳбат,

Шоҳ сари учамиз, ҳар дам ғанимат.

*Қушлар галаси Ҳудҳуд ортидан саҳнанинг ўнг томонига қараб учади.*

Парда ёпилади.

### **Тўртинчи саҳна**

*Чексиз-чегарасиз саҳро. Олисда тунд осмон. Саҳнанинг чап томонидан қушлар чуғури эшитилади. “Ҳудҳуд, бироз дам олайлик” деган товушлар ҳам қулоққа чалинади. Ҳудҳуд бошчилигидаги қушлар галаси саҳрога қўнади.*

#### **Б и р қ у ш:**

Войбўй! Бу водийнинг йўқтур поёни,  
Дилда кетар, шаҳни кўрмоқ армони.

#### **Б о ш қ а қ у ш:**

Ҳудҳуд, бу водийнинг охири борми,  
Шунча учганимиз бари бекорми?

Бу бало даштин қачон қатъ эткобиз,  
Асли манзилға не янглиғ еткобиз?

Бизни бу иштин хабардор айлагил,  
Суръату оромин изҳор айлагил.

Шарҳ қил оғоз ила анжомини,  
Аввал эмгок сўнгра айшу комини.

#### **Ҳ у д ҳ у д(Вазмин):**

Чун сўрарсен бу сафар кайфиятин,  
Манзилу водий нашоту шиддатин.

Ким неча водию манзилдур бу йўл,  
Эмди мен шарҳ айлаю сен воқиф ўл.

Оллимизда етти водийдур азим,

Ҳар бирида беҳаду андоза бийм.

Етти водий аслу манзиллар фуруъ,

Айлоли ул асл шарҳиға шуруъ.

Водийи аввал – Талаб водийсидур,

Бошлағон ул ён шараф ходийсидур.

Ишқ водийсидур ондин сўнгра бил,

Ул ўт ичра бору йўқни ўртагил.

Ишқ чун қилди вужудингни адам,

Маърифат водийсиға урдунг қадам.

Сўнгра Истиғноға водийдур васеъ,

Пастдур жунбида бу чархи рафеъ.

Водийи Тавҳид бил, ондин нари,

Фард бўлмоқ неча борсанг илгари.

Мундин ўтсанг водийи Ҳайратдурур,

Водийи Ҳайратда кўп шиддатдурур.

Борчадин сўнг водийи Фақру Фано,  
Ўтмас ондин сайр ила солик яно.  
Қатъ ўлур мунда сулук аҳлиға гом,  
Иш бўлур ўзга қилиғ бирла тамом.  
Лек манзилдин хабар бермас бирав,  
Ким бу йўлдин ёнмади бир роҳрав.

### **Б и р к у ш:**

Ҳудхуд, айтгин ҳар бир водий сифатин,  
Баён этгин ҳар бир водий шиддатин.

### **Ҳ у д ҳ у д:**

Ҳар битта водийда жуда кўп сифат,  
Улар ҳақда қисқа сўзлайман фақат.

### **ТАЛАБ ВОДИЙСИ**

Чун Талаб водийсиға кўйсанг қадам,  
Оллингға ҳар дам келур юз минг алам.  
Ҳар дам анда юз маломат юзланур,  
Ҳар нафас минг саъб ҳолат юзланур.  
Истамак ранжи кўнгулни зор этар,  
Топмомоғлиғ руҳни афгор этар.  
Жонни куйдурмак бўлуб маҳрумлуқ,  
Васлининг миёоди номаълумлуқ.  
Ранжу кўшиш санчибон жисмингға неш,  
Дарди ноёб айлабон жонингни реш.  
Истабон топмай дури ноёбни,  
Мундадур тарк айламак асбобни.  
Ҳар неким ғайри талабдур тошламоқ,  
Ўзни мақсад манзилиға бошламоқ.  
Қолмаса олам матоъидин жиҳот,  
Ўзга навъ ўлғай санга ул дам сифот.  
Ганждин еткай асар вайронинга,  
Зоти нуридин ёруғлуғ жонинга.  
Ул ёруғлуғ шавқ ўтин тез айлағай,  
Ким талаб раҳшин сабукхез айлағай.  
Жонинга еткай талабнинг роҳати,  
Қолмағай ранжу таабнинг шиддати.  
Куфр ила имонға урғайсен илик,  
Бу тамаъдинким очилғай бир эшик.  
Чун эшик очилди не куфру не дин,  
Ичкари киргач қутулдунг барчадин.

*Қушларнинг сўз айтишига мадорлари қолмай, сукут сақлашди.*

### **ИШҚ ВОДИЙСИ**

Чун Талаб водийсини қилдинг тамом,

Кўйғунг ул дам Ишқ водийсиға гом.  
Ишқ келди машғали гитифурўз,  
Дема машғал, шуълаи офоқсўз.  
Ишқ аро ҳар кимса дархур бўлмағай,  
Ўтқа лойиқ жуз самандар бўлмағай,  
Ишқ аро поку қаландарлиқ керак,  
Шуъла баҳрида самандарлиқ керак.  
Куймак иштур ошиқи девонаға,  
Шуъла ичра ўйлаким парвонаға.  
Барча кушнинг оти булбул бўлмади,  
То азалдин ишқ аро кул бўлмади.  
Куймаган ишқ ичра эрмас ишқбоз,  
Ошиқ эрмас улки эрмас жонгудоз.  
Шод эрур ишқ аҳли ўртанмак била,  
Бўлмағай бу шева ўрганмак била.  
Ишқ элининг ўти келди хонасўз,  
Ўйлаким аждар дами вайронасўз.  
Ишқ ўтиға ошиқи пок ўртанур,  
Барқдин андоқки хошок ўртанур.  
Дема ошиқ кўнглини оташзада –  
Ким они ишқ айламиш оташкада.  
Гар тушар оташкада ичра киши,  
Не бўла олғай жуз ўртанмак иши.  
Кимса бўлди ишқ аро тушкан дам ўт,  
Ўтқа неким тушти бўлди ул ҳам ўт.  
Ишқ авжидин қаёнким тушти барқ,  
Жонни айлар шуъла селобида ғарқ.  
Ишқ барқи хонумонни куйдурур,  
Хонумон йўқким, жаҳонни куйдурур.  
Тарки жон ошиққа варзиш онглағил,  
Ёр учун ўлмак камин иш онглағил.  
Кимга бу ўлмак насиб этса Худо,  
Юз туман жон бўйла ўлмакка фидо.

*Қушлар маъюс бўлишиди, айримларидан мадор кетиб ерга чўзилишиди.*

### МАЪРИФАТ ВОДИЙСИ

Маърифат водийсин ондин сўнгра бил,  
Дашти бепоёнлиғин наззора қил.  
Кимки бу водийға бўлди муттасиф,  
Топти анда ҳолларни мухталиф.  
Водиедур юз туман минг онда йўл,  
Ул бу бир келмай, онингдекким бу ул.  
Ихтилофи жузв ила кул мундадур,  
Ким тараққию таназзул мундадур.

Юз туман рахрав кўрарсен беқарор,  
Ҳар бири бир йўлни айлаб ихтиёр.  
Ўз борур йўлига ҳар бир муфтахир,  
Йўлни айлаб ўз йўлига мунҳасир.  
Бу они тутмай мусаллам, ул муни,  
Ҳар бир ўздин ўзга кўрмай ул буни.  
Пашша онда раҳнаварду пил ҳам,  
Пашша анда тойиру Жибрил ҳам.  
Мусою Фиръавн онда роҳрав,  
Бил яқинким бирдек эрмас бу икав.  
Даъб анда сайр этиб яхши ямон,  
Мўьмин онда солику кофир ҳамон,  
Куфр аҳли лотни огоҳ дебон,  
Лек ислом аҳли иллаллоҳ дебон.  
Мухталиф бўлмай не бўлсун мунда иш,  
Чун бу янглиғ мухталиф бўлди равиш.  
Мундин айтибтур набии роҳбар,  
Ким улусқа ҳақ сари бўлса сафар.  
Истасанг йўл касратиға адду ҳад,  
Халқ анфоси била тенг бил адад.  
Бу маҳалда гар гадодур, гар мулук,  
Ҳар бир ўзга йўл била айлар сулук.  
Бўлди ўз ирфони ҳар кимга сифат,  
Кўп тафовут қилди пайдо маърифат.  
Ҳар киши ўз таврида истаб камол,  
Қилди водий тай қилурға иштиғол.  
Гар сулук атворида тағйир эди,  
Мақсади лекин борининг бир эди.  
Йўл агар эгри эди ё эрди туз,  
Ё йироқ ёхуд яқин кўргузди юз.  
Баъзи ўлди, баъзи итти йўл аро,  
Баъзи аввора бўлуб ҳар қўл аро.  
Бўлмади ҳар йўлни чун қатъ этмаган,  
Бўлмади мақсадға доғи етмаган.  
Маърифат хуршиди чун қилди тулуъ,  
Ҳар ким ўз мақсудиға айлаб ружуъ.  
Ўз сулукига натойиж истади,  
Қилмоқ ўз нақдини ройиж истади.  
Чунки партав солди ул покиза нур,  
Бўлди ҳар кимнинг камолиға зухур.  
Топтилар ҳар кимки чекмиш эрди ранж,  
Ўз сулуки ранжининг хурдида ганж.  
Чун сулук ичра кўп эрди ихтилоф,  
Кўпраги дурд эрди, лекин ози соф.  
Ким равишда софи эрди машраби,

Бор эди ул тобеъи шаръи наби.

*Кушлар оҳ чекдилар, кейин сўз айтишига мадорлари қолмади.*

### ИСТИҒНО ВОДИЙСИ

Водий ондин сўнгра Истиғнодурур,  
Онда тенг аълоу гар аднодурур.  
Ҳар дам истиғно ели бўлғонда тез,  
Солибон офоқ аро юз рустахез.  
Ёғиб истиғно саҳобидин ёғин,  
Юз туман оламни сув элтур соғин.  
Етти дарё онда бир қатра матар,  
Етти кўк хашхош чоғлиғ мухтасар.  
Етти дўзах онда бир учқун киби,  
Секкиз учмоғ онда бир шудрун киби.  
Етти кишвар ичра шоҳе қаҳрамон,  
Бир гадо онда ҳамону ул ҳамон.  
Тиғи қотил тортибон юз минг черик,  
Кўзга келмай онда қоқимча ирик.  
Аждаҳоким кўкни чеккай дам била.  
Онда яксон риштаи Марям била.  
Бўлди минг хайли малоик бартараф,  
Ногаҳ одам кийди бир тожи шараф.  
Бўлди юз минг жисмдин бегона рух,  
Токи киштибонлиғ ойин қилди Нух.  
Мунда яксон келди йўқу бор ҳам,  
Аҳли дину зумраи куффор ҳам.  
Минг йил ар Заҳҳок улустин тўкти қон,  
То Масих ўлган баданға берди жон.  
Иккисининг мунда бирдур ҳукми бил,  
Кел бу истиғно сари наззора қил.  
Юз туман хуршид агар бўлса адам,  
Бўлди соғин чархдин бир зарра кам.  
Ерга сингса юз туман баҳри амик,  
Қатраи ўккулди, тутғил, эй рафиқ.  
Ел совурса бу тўкқуз афлокни,  
Дам учурди онглағил хошокни.  
Қофдек юз тоғнинг йўқ бўлмоғин,  
Ер юзидин бир қум ўккулди соғин.  
Онда тенг кўр гумраҳу огоҳни,  
Дайр кўйи бирла байтуллоҳни.  
Куфр ила динға чу тенг миқдордур,  
Мунда иш соликка бас душвордур.  
Бас бу тамсиле сари наззора қил,  
Асли истиғнони юз минг мунча бил.

*Қушларнинг айримлари “Ё Оллоҳ, бизни Ўзинг асра!” сўзларини айтишиди.*

### ТАВҲИД ВОДИЙСИ

Водийи Тавҳид ондин сўнгра бил,  
Фард ўлуб тажрид ондин сўнгра бил.  
Чун бу водий сори сайринг қўйди гом,  
Фарду яктолиғ санга бўлди мақом.  
Чун бу водийға ниҳоят топти сайр,  
Мунда бир бил юз туман минг бўлса тайр.  
Борчаға кому ҳаво тажрид ўлур,  
Борчаға лаҳну наво тафрид ўлур.  
Бу равишларға чу етти ул кашиш,  
Борчаға бирликда гум бўлмоқдур иш.  
Бирда бирдин ҳосил бўлди бир адад,  
Йўқ хирадқа мунда дам урмоққа ҳад.  
Чун сенинг олингға тушти бўйла печ,  
Билки эрмиш бирдин ўзга барча ҳеч.  
Бир бўлу, бир кўру, бир де, бир тила,  
Майл қилма мунда иккилик била.  
Иккилик бу, йўлда аҳваллиқдурур,  
Сирри ваҳдатдин муъатталлиқдурур.  
Ул эди дегон ўзи, берғон ўзи,  
Базл аро сочқон ўзи, тергон ўзи.  
Ул рақам пок эрди менлик рангидин,  
Нағмаси фард иккилик оҳангидин.  
Онда мен сенлик тахайюл айлаган,  
Иккилик нақшин тааққул айлаган.  
Ғайри аҳваллиқ эмастур, бил муни,  
Хотиригдин маҳву зойил қил муни!

*Қушлар “Оллоҳ, ўзинг яғонасан!” деган сўзларни такрор этдилар.*

### ҲАЙРАТ ВОДИЙСИ

Водийи Тавҳид қатъ ўлғон замон,  
Водийи Ҳайрат кўрунур бегумон.  
Ҳар нафас етмас киши бошиға тиғ,  
Бош урар минг оҳ ила юз минг дариг.  
Ҳайрат айлар тилни гунгу лол ҳам,  
Ақл зойил, ҳушни помол ҳам.  
Кечау кундузга бокса ҳар неча,  
Онгламас кундузмудур ёхуд кеча.  
Йўқни билмас, борини ҳам онгламас,  
Не бўларни тонглару не тонгламас.  
Ҳар негаким солса кўз ҳайрон бўлур,

Бўйла ҳайронлиғда саргардон бўлур.  
Мунда чун қўйди қадам аҳли равиш,  
Онга ҳайронлиғдин ўзга бўлмас иш.  
Ҳарне касб айлаб эди тавҳид аро,  
Водийи тафрид ила тажрид аро.  
Барчаси ондин бўлур маҳву адам,  
Йўқки ҳосил қилғоликим ўзи ҳам.  
Сўрсаларким бормусен ё йўкмусен,  
Ҳеч қайси ё иккиси – ўқмусен.  
Бера олмас ҳеч қойсидин жавоб,  
Бору йўқлукқа қила олмас хитоб.  
Ўртада ё бир тараф ё ташқари,  
Чиркада ёхуд кейин ё илгари.  
Ҳеч қайсида ўзин билмас яқин,  
Ҳайрат айлар они хориж борчадин.  
Фоний эрканнию боқийлиғни ҳам,  
Маст эрканнию соқийлиғни ҳам.  
Ўзининг мавжуду маъдумин доғи,  
Зотининг мажҳулу маъдумин доғи.  
Бокса ҳарён ҳайратин афзун топар,  
Ўзни ҳайрат ичра дигаргун топар.  
Дерки ошиқ эрконимни тонгломон,  
Кимга эрконнию лекин онгламон.  
Боқибон ҳар зарраға зарротдин,  
Ҳайрат айлар нафйи ё исботдин.  
Бу мақом ичра эрур асру ажаб,  
Бир туганмай минг келур ўтру ажаб.

*Қушлар бу сўзларни эшитиб, гунгу лол бўлиб қолишди, қўрққанларидан нафас ҳам олишмасди.*

#### ФАҚРУ ФАНО ВОДИЙСИ

Мундин ўтса ўтруға келмас яно,  
Йўл аро жуз водийи Фақру Фано.  
Йўқ бу водий ичра жуз хомушлук,  
Гунгу кар бўлмоғлиғу беҳушлук.  
Чун талотум кўргузуб баҳри амиқ,  
Юз туман олам бўлуб онда ғарик.  
Баҳрнинг кўлоки тутқон чоғда авж,  
Ким аён айлар туман минг нақш мавж.  
Дам-бадам бу нақшлар топиб фано,  
Фош ўлур минг мавжи гуногун яно.  
Яхши боқсанг, мавжда йўқтур вужуд,  
Баҳрдин ўзга эрур бори набуд.  
Ҳақ вужуди келди баҳри бекарон,

Мавжи онинг офаринишдин аён.  
Ўн саккиз минг олам ичра ҳар не бор,  
Ким қилурлар аҳли маъни эътибор.  
Ҳарнеким зоҳирдурур сураат аро,  
Ким бори маръий бўлур хайъат аро.  
Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳот,  
Нодиру олий асоси коинот  
Барчадин ашрафки ул инсон эрур,  
Ким камолида хирад ҳайрон эрур.  
Мунда сен ёхуд авом этгил гумон,  
Ё хавос англа хаёл айлар замон.  
Гар салотин бўлса соҳиб иқтидор,  
Гар хавоқин англа соҳиб ихтиёр.  
Гар ҳакиму олиму гар мужтахид.  
Гар паришон қавмдур, гар муттахид.  
Гар валиким, халқдин акмалдур ул,  
В-ар наби қил фарзким, мурсалдур ул.  
Барчасин ҳақ зоти мавжи баҳри бил,  
Ҳам вужудин мавж янглиғ онглағил.  
Барчасининг нақши келди орият,  
Фоню онда бақодин йўқ сифат.  
Баҳр таҳрики, чу мавж айлаб аён,  
Нақш мунча зоҳир айлаб ҳар қаён.  
Чун топиб таскин бу баҳри мавжвар,  
Қолмайин ул мавжлардин ҳеч асар.  
Ҳар кишида бўлса ойини хирад,  
Бўйла билдингким азалдин то абад.  
Ҳарнеким қилсанг гумон топғон вужуд,  
Буди йўқ, бу навъ эрур бори намуд.  
Ғайри ҳақким қодирини барҳақдур ул,  
Борча фоний, боқийи мутлақдур ул.  
Ҳам вужуд ойини маҳкамдур анга,  
Ҳам бақо расми мусалламдур анга.  
Ҳақдин ўзга гар эрур ҳар навъ зот,  
Филмасал ичкон эса оби ҳаёт.  
Фонийи мутлақдурур гар худ бақо,  
Истасанг қилмоқ керак ўзни фано

*Қушлар “Эвоҳ” сўзини такрорлашди. Саҳнанинг чап томонидан “Ло илоҳо иллаллоҳ” сўзлари баралла эшитилди. “Сизлар манзилга етинглар” деган сўзлар ҳам қулоққа чалинди.*

**Х у д х у д:**

Олдимизда кутар машаққатли йўл,  
Устимиздан ёгар чўғ ё тошдин дўл.

Лек мақсадға ҳеч ким етмаган осон,  
Шаҳ сари учамиз турса ҳам бўрон\  
Билдингиз, умр фоний, ғанимат фурсат,  
Қани қанот қоқинг, ёр бўлсин омад.

*Ҳудҳуд бошчилигида қушлар сахнанинг ўнг томонига учадилар. Саҳнада жони узилган қушлар жасадлари кўзга ташланади.*

Парда ёпилади.

### **Бешинчи сахна**

*Ёмғир товуши эшитилади. Момақалди роқ гумбурлайди. Парда очилади. Чақмоқ чақнайди, сахна ёришади. Саҳнада ҳарир парда тортилган. Қушлар чуғури эшитилади. Ҳудҳуд бошчилигидаги қушлар чап томондан келиб сахнага қўнишади. Тўти ўнг қанотини ёзганча қушларни санайди.*

### **Т ў т и:**

Катта ишни зиммамизга олибмиз,  
Юз туман кушдан ўттузта қолибмиз.  
Балки бизга ҳам сўнгги жой шу бўлар,  
Балки паймонамиз шу жойда тўлар.

*Яна момақалди роқ гумбурлайди, чақмоқдан атроф ёришади. Қушлар ваҳимага тушади.*

### **Т о в у с:**

Бизким ўттуз тойири фосид хаёл,  
Йўл бериб хотирға савдои маҳол.  
Тортибон йўл қатъида ранжи азим,  
Жонға ўлмақ ваҳмидин ҳар лаҳза бим.  
Умр ўтиб мақсадға етмак оҳ бу,  
Ҳол бу ҳам вусъати даргоҳ бу.  
Бизга мунда не ҳисобу не вужуд!  
Ё Раб, дилимизга Ўзинг сол умид.

*Саҳнадиги парданинг ўнгроқ чеккаси қия очилади ва Нуроний чиқади.*

### **Н у р о н и й:**

Бу жойда ҳеч зоғ кўрмадим кўп фурсат,  
Қандай тўдасизлар, қандай жамоат?  
Ким эрурлар минг балоға мубтало,  
Ул балодин баҳра топмай, ғайри «ло».  
Бесару сомону саргардон бари,  
Қадрда туфроғ ила яксон бари.

Йўқ ҳақоратдин оларда ўзга ҳеч,  
Ул ҳақоратдин кўрунмай кўзга ҳеч.

*Қушлар Нуронийни кўриб бироз хотиржам бўлишади ва жавобга ҳозирланишади.*

**Т ў т и:**

Эй ҳол сўргувчи, биз гуруҳи хору зор,  
Ҳарзакору ожизу безътибор.  
Йўлда умре жон чекиб, шоҳ истабон,  
Ранж тортиб биз бу даргоҳ истабон.  
Шоҳсиз эрдук бағоят кўп сипоҳ,  
Не сипоҳ ўлғайки йўқтур онда шоҳ.  
Умрлар йўлда машаққат тортибон,  
Юз туман турлук мазаллат тортибон.  
Неча юз минг тобеъу хайлу ҳашар,  
Ким онинг сониди ожиздур башар.  
Бўдилар зоеъ, кўюб бу йўлда юз,  
То бу даргаҳға етиштук биз ўтуз.  
То магар Симурғ бўлғай шоҳимиз.  
Борча шарру хайрдин огоҳимиз.  
Шоҳга бўлса бу маъни дилпазир,  
Банда бўлғай бир неча зору асир.

**Н у р о н и й:**

Сиз мисоли гумроҳ тўда бўлибсиз,  
Олис йўлни босиб бекор келибмиз.  
Сизким ўлғойсиз неча ошуфта ҳол,  
Ким димоғингизға тушкай бу хаёл,  
Қойси тил бирла қилурсиз шаҳни зикр,  
Кўнглунгизга йўл нечук топқой бу фикр.  
Сиз гуруҳе ҳечу камрок ҳечдин,  
Шод бу андешаи пур печдин.  
Ҳечлик бирла таҳаввур айлаган,  
Ўзни мавжуди тасаввур айлаган.  
Сизга не сон, не ҳисобу не вужуд,  
Будлуғ тухмат қилиб аммо набуд.  
Кўнглунгизда сарбасар фосид хаёл,  
Муддаоингиз барчаси амримаҳол  
Боргоҳидур буқим юз минг қуёш,  
Зарра чоғлиғ айлай олмас ўзни фош.  
Мундаким юз минг туман пили дамон,  
Бор ҳамон ул бир ўлук, пашша ҳамон.  
Сизга онда не вужуду, не адам,  
Бал вужудингиз адамдин доғи кам.  
Демонгиз, ҳашву равонроқ қойтингиз,

Сўз агар бор эрса йўлда ойтингиз!

*Қушлар бу сўзлардан гамга ботдилар. Нуронийга сўз айтишига мадорлари етмади. Бироз кутган Нуроний пардани очиб, ичкарига кириб кетди. Пардага қараганча қушлар нола қилишди.*

**Б и р қ у ш:**

Шумиди муддао-мақсадларимиз,  
Зое кетди чеккан заҳматларимиз.  
Шоҳға мундоқким эрур олий жаноб,  
Не кўрунгай бир неча биздек ябоб.  
Ҳайф мунча саъй ила уммидимиз!  
Орзуи давлати жовидимиз!

**Б о ш қ а қ у ш:**

Бор эканму биз киби маҳзун гуруҳ,  
Орзую саъйдин мағбун гуруҳ.

**Қ у ш л а р:**

Бор эканму биз киби маҳзун гуруҳ,  
Орзую саъйдин мағбун гуруҳ.

*Қушлар оҳ-воҳ чекдилар, тушкунликка тушдилар. Ҳудҳуд ўртага чиқди*

**Ҳ у д ҳ у д:**

Биламен, дилингиз порадин пора,  
Ва лекин эмасмиз жуда бечора.  
Бўлмангиз навмид шоҳ алтофидин,  
Қим карам бирдур онинг афсофидин.  
Саъб эса коми висолин топмоғи,  
Хуштурур савдосида ўлмак доғи.  
Бизга бу иқбол чунким берди даст,  
Қим онинг даргоҳида топтуқ нишаст.  
Бу саодат ҳам эрур олий мақом,  
Ким онинг ишқида ўлгайбиз тамом!

**Б и р қ у ш:**

Ҳар сўзинг биз учун қонундир сардор,  
Бу сўзинг ҳам хушдур, эй ҳикматшиор.  
Бу балолар ичраким бўлдуқ хамул,  
Бордурур амрингни қилғондин қабул.  
Қойдаким урдуқ қанот ойрилмадук,  
Ҳар не амр эттинг таҳаллуф қилмадук.  
Васл чоғи етти андуҳи фироқ,  
Ҳар не дер эрдинг йироқ эрмиш йироқ.

**Ҳ у д ҳ у д:**

Эй дўстларим, қилмонгиз афсурдалиқ,  
Асру зоҳир этмангиз озурдалиқ.

Биз бу йўлга ондоким азм айладук,  
Юз балият чекмокин жазм айладук.  
Бу азиматдин ғараз худ шоҳ эди,  
Ҳам яна мақсуд бу даргоҳ эди.  
Чунки мақсудга етиббиз бу замон,  
Комдин қилмонг йироқ ўзни гумон.  
Ошиқеким, ишқида бўлғай камол,  
Тенг дурур оллида ҳижрону висол.  
Чун ризоси ёрнинг матлуб эрур,  
Ҳар неким ул истар – ул марғуб эрур.  
Васлига гар топмағайсиз дастрас,  
Сиз жамоатқа эмасму ёди бас.  
Ёди бирла ҳар кишиким берса жон,  
Бордур ул ўлмоқ ҳаёти жовидон.

*Бироз тин олади.*

Мен сизга сўзлай яна бир ҳикоят,  
Бу ибрат сўзим таскин берар шояд.  
Дашт аро Мажнунни кўрди бир киши,  
Ким ҳамиша сўз демак эрди иши.  
Сўрди: – Ким бирла сурарсен бу мақол?  
Деди: – Лайли бирла, эй фархунда фол.  
Деди: – Ондин то сангадур хайли йўл?  
Деди: – Эй ғофил, эрур жонимда ул.  
Улки онинг зикридур жонимда қут,  
Йўл йироқ бўлғондин ўлғойму унут!  
Кимки ишқиға камол эродидур,  
Онга маъшуқи вужуди ёдидур.  
Сизда ҳам гар ишқдин бор эрса лоф,  
Айш этинг гар келса ондин дарду соф.

**Б и р қ у ш** (*Нола қилади*):

Биз шаҳга югурдик туну кун ҳормайин,  
Ҳар болоким келса юз қайтормайин.  
Етдик дегандик чу ул матлубқа,  
Ҳожиби рў ул сурук мағлубқа.

**Ҳ у д х у д** (*Вазмин оҳангда*):

Агар чин бўлса сиздаги муҳаббат,  
Олдни тўсган парда очилгай албат!

**Қ у ш л а р** (*Жўр овозда*):

Иншоолло, Ўзинг соҳиби кудрат,  
Олдни тўсган парда очилгай

*Шунда майин шамол эсади. Олдни тўсган парда очилади. Ёрқин нурдан қушлар кўзларини юмадилар. Кўзларини очганларида қаришида ажиб чаманзорни кўрадилар. Қулоққа сувларнинг жилдираши, димоққа гуллар ифори*

*келади. Қушлар чаманзорга кирадилар. Ўсимликлар япроқлари ва гулбаргларида ўзларининг аксларини кўриб ҳайратга тушадилар.*

**Т ў т и**(*Ҳайрат билан*):

Ҳар гул бу чаманда бир кўзгу экан,  
Қаёнга қарама алар ўтру экан.

**Т о в у с**(*Гуллар қаршисида ороланади*):

Ҳар гул бу чаманда бир кўзгу экан,  
Рост, қаён боқма алар ўтру экан.

**Т ў т и**(*Ҳаёлга чўмади ва дона-дона дейди*):

Си – ўттиз, мурғ – қуш! Мунда бор шу маъни,  
Демакки, ўттиз қуш Симурғ дегани.

Водариғ, демакки, Симурғ ўзимиз!

**Қ у ш л а р**(*Тўтига жўр бўлишади*):

Водариғ, демакки, Симурғ ўзимиз!

**Ҳ у д ҳ у д**(*Баралла*):

Мунда зоҳир бўлди сирри “ман араф”,  
Ким кўрубтур гавҳар ўлмоғлиғ садаф.

Яъни, ўз аслини ким билса агар,

У зот Оллоҳни ҳам билур муқаррар!

**Қ у ш л а р**(*Жўр овозда*):

У зот Оллоҳни ҳам билур муқаррар!

У зот Оллоҳни ҳам билур муқаррар!

*Чаманзорда ажиб нурлар жилваланади. Булбул навосига Қумри нағмаси жўр бўлади. Товус хиромон этади. Қушлар қанотларини қоқиб қарсак чалишади.*

Парда ёпилади.

**ХОТИМА**

*Парда очилади. Дастлабки саҳна кўриниши. Мумтоз наво таралади. Саҳнанинг ўнг ва чап томонларида ўрмон. Ўртада йўл. Олисида оппоқ чўққили тоғлар. Офтоб нурларида атроф чарогон. Йўл ўртасида оппоқ салла, оппоқ чопон, оппоқ якак, оппоқ этик кийган оппоқ соқол-мўйловли Ҳазрат Алишер Навоий хаёлга чўмган. Чап қўлида “Лисон ут-тайр” китоби.*

**А л и ш е р Н а в о и й**(*Китобни икки қўлда тутганча*):

Эй кўнгул, бу нуктадур қушлар тили,

Рамзу имо мулкига тушлар тили.

Гарчи бу сўзда аёндур таъмия,

Ким риёзатдинки топти тасфия,

Чун риёзат рафъ этиб руҳоният,

Салб бўлғоч кимсадин нафсоният.

Қолмағай рухониятдин ўзга ҳеч,  
Сен тахаллуфдин бу маъни ичра кеч.  
Бордур инсон зотида онча шараф,  
Ким ямон ахлоқин этса баргараф.

*Ҳазрат китобни чап қўлида ушлаганча биров тин олади.*

Турфа қушсен равза нахлистонидин,  
Пок тойирсен шараф бўстонидин.  
Лек Симурғ истаган ул жамъи тайр  
Ким сулук ичра риёзат бирла сайр  
Айлабон чун ўзни қобил қилдилар,  
Ул талабдин васл ҳосил қилдилар.  
Сенда ҳам билқувва ул мавжуд эрур,  
Феълга келса даво мақсуд эрур.  
Бўйла маъниким манга бўлди аён,  
Айладим қушлар тили бирла баён.  
Ким такаллум онда ширкат топмағай,  
Бикри маънининг узорин ёпмағай.  
Қуш тили билган сўзум фаҳм айлағай,  
Фаҳм этардан ҳам бaсе ваҳм айлағай.

*Ҳазрат биров тин олади.*

Эй адамдин барчаға халлоқи жуд,  
Бори жуд аҳлиға файёзи вужуд.  
Лутфу эҳсонингга йўқ поёну ҳад,  
Бахшишу эҳсонинга сонун адад.  
Фонийи девонайи ошуфтаҳўй,  
Неча сўз гар сендин этти гуфтигўй.  
Саҳву тақсирин карамдин афв қил,  
Номаи аъмолидин маҳв айлагил.  
Манга бу баским неким сурдум қалам,  
Сендин эттим, йўқки ғайрингдин рақам.  
Ортук ар ўксук дедим сендин дедим,  
Чин агар ўтрук дедим сендин дедим  
Улча асроринг манга эрди аён,  
Айладим қушлар тили бирла баён.

*Ҳазрат тин олади, саҳна томон бир-икки қадам ташлайди ва ўктам овозда давом этади.*

Менки турк алфозига айлаб шуруъ,  
Назм топти табъу килкимдин вукуъ.  
Чун саҳоби табъим ўлди дурфишон,

Назмима эрди Навоийдин нишон.  
Форсий назм ичра чун сурдум қалам,  
Назмнинг ҳар синфини қилдим рақам.  
Файз еткоч ул маонийдин манго,  
Топти белгу назми Фонийдин манго.  
Чун «Лисон ут-тайр» оғоз айладим,  
Турфа қушлар бирла парвоз айладим.  
Мунда ансаб эрдиким тузғоч наво,  
Бўлса назмимга Навоийдин адо.  
Ким наво қушлар тили алҳонидур,  
Дилкаш афғони ҳазин достонидур.  
Туркий услуб эрди ҳам бу достон,  
Топқудек эрди Навоийдин нишон.  
Бу рақамда Фоний айларга лақаб,  
Мустамаъ бўлгонга айтурмен сабаб.  
Ким бу дафтар назмидин кулли мурод,  
Чунки маржиъ майли эрдию маод.  
Мунда Фоний бўлмай иш ўлмас тамом,  
Фоний ондин топти назмим ихтимом.

*Ҳазрат китобни икки қўлда тутганча меҳр билан қарайди.*

Ё Раб, ушбу турфа шўхи дилфириб,  
Ким онинг васлин манга қилдинг насиб.  
Эл кўзига доғи маҳбуб айлагил,  
Барча хотирларга марғуб айлагил.  
Гарчи мақсудиға мубҳамдур баён,  
Қуш тилин эл кўнглига қилғил аён.  
Кимга ондин ҳосил ўлса муддао,  
Лутф этиб Фонийни ҳам қилса дуо.  
Айла онинг ҳам дуосин мустажоб,  
Иккимизни оллидин олғил ҳижоб.  
Табъима тушса хато бирла зулал,  
Килкима сахв ўлди эрса ё халал.  
Лутф ила, ё Рабки, борин афв қил,  
Номаи аъмолдин ҳам маҳв қил.  
Ҳар паришон сўзки ёздим, ё Карим,  
Барчадин астағфириллоҳ, ал-Азим.  
*Ҳазрат китобни икки қўлида кўкка кўтарганча илтижо қилади.*  
Ҳар паришон сўзки ёздим, ё Карим,  
Барчадин астағфириллоҳ, ал-Азим.  
Парда ёпилади.

Т а м о м